

ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ ХАМДА УЛАРДАН САМАРАЛИЙ ФОЙДАЛАНИШ

Т.А.Джуманов

Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университети,

катта ўқитувчиси

turopdjumanov02@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11005189>

Аннотация. Мақолада мамлакатимизга хорижий инвестицияларни жалб қилиши хамда иқтисодий ўсишига таъсирин, улардан самарали фойдаланиши йўлларини такомиллаштириши иқтисодиётни ривожлантириши хорижий инвестициялар билан боғлиқ жараёнлар таҳлил қилинган. Хорижий инвестицияларни жалб қилган холда мамлакатда инвестицион фаолият самарадорлига таъсир баҳоланган ва улардан самарали фойдаланиши жараёнларига таъсир кўрсатувчи омилларни таҳлил этиб берилган. Хорижий инвестицияларни жалб қилиши ва улардан самарали фойдаланиши йўллари доирасида мавжуд камчиликлар аниқланган уларни бартараф этиши йўллари бўйича амалга ошириши лозим бўлган вазифалар ёритилган. Миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилиши тизимини такомиллаштиришига доир илмий таклиф ва амалий тавсиялар шакллантирилган.

Калим сўзлар: инвестиция, инвестицион фаолият, иқтисодий ўсиши, инвестицион жозибадорлик, инвестицион самарадорлик, инвестицион риск, инвестицион лойиҳалар, бозор механизми хорижий инвестициялар.

Аннотация. В статье анализируются процессы, связанные с привлечением иностранных инвестиций в нашу страну и их влияние на экономический рост, совершенствование способов их эффективного использования, развитие экономики и иностранных инвестиций. В случае привлечения иностранных инвестиций оценено влияние на эффективность инвестиционной деятельности в стране и проанализированы факторы, влияющие на процессы их эффективного использования. В рамках путей привлечения иностранных инвестиций и их эффективного использования выявлены имеющиеся недостатки и обозначены задачи, которые необходимо решить в плане их устранения. Сформулированы научное предложение и практические рекомендации по совершенствованию системы привлечения иностранных инвестиций в национальную экономику.

Ключевые слова: инвестиции, инвестиционная деятельность, экономический рост, инвестиционная привлекательность, инвестиционная эффективность, инвестиционный риск, инвестиционные проекты, рыночный механизм иностранных инвестиций.

Annotation. The article analyzes the processes associated with attracting foreign investment to our country and their impact on economic growth, improving the ways of their effective use, economic development and foreign investment. In the case of attracting foreign investment, the impact on the efficiency of investment activity in the country was assessed and the factors influencing the processes of their effective use were analyzed. Within the framework of ways to attract foreign investment and their effective use, existing shortcomings are identified and tasks that need to be solved in terms of eliminating them are identified. A scientific proposal and

practical recommendations for improving the system of attracting foreign investment into the national economy have been formulated.

Key words: *investment, investment activity, economic growth, investment attractiveness, investment efficiency, investment risk, investment projects, market mechanism of foreign investment.*

Хозирги кунда ҳар бир мамлакат ва минтақалар учун иқтисодий барқарорликни таъминлаш, инвестицион мұхитни яхшилаш ҳамда самаралий фойдаланиш талабини қўймоқда. Чункий, турлий хил соҳалар ва тармоқлардаги муаммолар ечимини инвестиция маблағларини жалб қилиш масаласи мұхим аҳамиятга эга.

Мамлакатимизда инвестицияларни жалб қилиши кўламида қаттий белгиланган ишлар олиб борилмоқда. Шунингдек мамлакатимизнинг Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё инфратузилма инвестициялари банки каби йирик ҳалқаро молия институтларининг ҳамда ташкилотлари билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйишида мұхим омил хисобланади.

2022 йилда қабул қилинган бир қатор хорижий инвестицияларга таъсир этувчи чоратадбирларнинг 70 фоизи инвестициялар учун қулай шарт-шароит яратишга қаратилганлиги, шунингдек инвестицияларнинг 3/4 қисми ривожланаётган мамлакатларга тўғри келаётганлигини ва бу кўрсаткичлар, Ўзбекистонда қабул қилинаётганлигини кўришимиз мумкин.

Хозирги кунда олиб борилаётган ташқи иқтисодий сиёsat натижасида мамлакатимизга жалб қилинаётган инвестициялар географияси ҳам кенгайиб бормоқда. Шунингдек, хозирги кунда мамлакат иқтисодиётига инвестиция киритган мамлакатлар сони 50 дан ортганини кўришимиз мумкин. Шунингдек қуидаги давлатлар яъний Россия, Германия, Туркия, Хитой, Жанубий Корея каби мамлакатлари етакчилик қилаётганини кўриш мумкин.

Шунингдек хорижий инвестицияларни жалб қилиш йўналишида ҳам Ўзбекистонда амалга оширилаётган ишлар кўп жиҳатдан жаҳондаги тенденцияларга мос келади. Шунинг учун ҳам ислоҳотларни амалга ошириш ҳамда мақсадга мувофиқлигини кенгайтириш, ишлаб чиқаришнинг турлий хил тармоқлари ва соҳаларига эътибор қаратиш мамлакатнинг янада комплекс тарзда ривожланишига олиб келади. Хорижий инвестицияларни жалб қилган ҳолда ҳамда улар иштирокидаги корхоналар ва ташкилотлар сони ҳам сезиларлий даражада ортиб бораётганини кўришимиз мумкин. Шунингдек ўтган даврларга таққосласак 2017 йилда 5,5 мингтани ташкил этган бўлса, бу кўрсактич 2023 йилга келиб, хорижий инвестициялар сони 15,8 мингтага етган.

Шунингдек хорижий инвесторларнинг 6,4 мингтаси қўшма корхона, 9,3 мингтаси тўлиқ хорижий корхона, 6,4 мингтаси қўшма корхона, 9,3 мингтаси тўлиқ хорижий корхона хисобланади. Чет эл капитали иштирокидаги корхоналарнинг 30,5 фоизи савдо, 27,5 фоизи саноат, 8,0 фоизи қурилиш, 4,8 фоизи қишлоқ хўжалиги, 4,1 фоизи яшаб туриш ва овқатланиш муассасалари, 2,9 фоизи сақлаш ва ташиш, 4,8 фоизи алоқа ва ахборот йўналишларида, 17,4 фоизи бошқа соҳаларда фаолият юритмоқда.

Бунинг натижасида хорижий инвестициялар ва кредитларнинг жами инвестициялардаги улуши 23,8 фоиздан 40,5 фоизгача ортди. Шунингдек, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳажми 2017 йилда 2,5 миллиард АҚШ долларини

ташкил этган бўлса, 2023 йилга келиб 3,4 баробар ошиди ва 8,5 миллиард АҚШ долларида хамда уларнинг жами инвестициялардаги улуши эса 17,7 фоиздан 35,4 фоизгача ошганлигини кўришимиз мумкин.

Прогнозлаштириш ва макроиктисодий тадқиқотлар институти эксперталари таҳдилларига кўра, мамлакатимизга киритилаётган хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳажми 2017 йилда 3,3 миллиард АҚШ долларини ташкил этган, 2023 йилда ушбу кўрсаткич уч баробар ошиб, 9,8 миллиард АҚШ долларини ташкил этган. Бунинг натижасида хорижий инвестициялар ва кредитларнинг жами инвестициялардаги улуши 23,8 фоиздан 40,5 фоизгача ортди.

Ўзбекистон Республикасининг “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонунининг 34-моддасида инвестицияларни ва инвестиция фаолиятини давлат томонидан қўллаб-куватлаш учун қўлланиладиган имтиёз ҳамда преференциялар қўйидагиларни ўз ичига олади:

- Давлат мулки бўлган обьектларни ёки уларга бўлган мулкий хуқуқларни имтиёзли ёки нолга teng харид қиймати бўйича инвесторга бериш;
- Соликлар ва тўловлар бўйича имтиёзлар бериш;
- Инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун инвестор томонидан олинадиган кредитлар бўйича фоиз ставкаларини субсидиялаш.
- Имтиёзлар ва преференциялар қўйидагиларга қараб берилади;
- Инвестициялар ҳажмига;
- Инвестиция лойиҳаси амалга оширилладиган жойнинг шарт-шароитларига;
- Кутилаётган ижтимоий-иктисодий самарага ва янги иш ўринларини яратишга;
- Инвестиция лойиҳасини амалга ошириш соҳалари ва тармоқларига.

Шунингдек ушбу модданинг биринчи қисмида инвестицияларни ва инвестиция фаолиятини давлат томонидан қўллаб-куватлаш учун қўлланиладиган преференциялар тегишли ҳудудларга инвестициялар киритишни назарда тутувчи инвесторларга мазкур ҳудуд инфратузилмасининг ривожланиш даражасидан келиб чиқсан ҳолда берилиши назарда тутилган.

2024 йил 18 январь куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида инвестиция, экспорт ва саноат соҳаларидағи устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан видеоселектор бўлиб ўтди. Йиғилишда “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида мамлакатимиз ЯИМ ҳажмини 160 миллиард долларга ва аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадларни 4 минг АҚШ долларига етказиш мақсади белгиланган. Бунга фақат ички бозор билан эришиб бўлмайди, асосийси – хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш ва экспортни кўпайтириш зарурлиги такидлаб ўтилган. Шунинг билан бирга сўнгги олти йил ичидаги мамлакатимизга киритилган хорижий қарийб 50 миллиард долларни ташкил қилган. Шунингдек ЯИМда ҳам, саноат тармоқлари ҳам бу фоизга ўсган.

Шунинг билан бирга маҳсулотлар экспортидаги ўсиш суръти сизиларли даражада эмаслиги, ҳамда мамлакатимиз сертификатларини тан олиш масалалари бўйича хорижий шериклар билан ишлар етарлий даражада ташкил этилмаганлигини ҳам такидлаш мақсадага мувофиқдир. Мамлакатимиз иқтисодиётини янги босқичга олиб чиқиш учун экспортни йилига камидаги 30 фоизга ошириб бориш зарурлиги ҳам такидлаб ўтилган.

Шунингдек қўйидагилардан келиб чиқсан ҳолда мамлакатимиз иқтисодиётига инвестицияларни жалб қилиш самарадорлигини ошириш ва инвестицион жараёнлар билан

боғлиқ бўлган инвестициявий фаолиятларни молиялаштиришдаги муаммаларни ҳал этиб бориши масалалари бўйича хам бир қатор ишлар олиб борилмоқда.

Бозор иқтисодиётининг глобал иқтисодий ўсиш шароитида, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида хусусий инвестициялар салмоғидан самаралий фойдаланишга бир қатор омиллар сальбий таъсир кўрсатмоқда. Бу эса мавжуд қонунчилик асоси номуккаммаллиги ва амалдаги иқтисодий сиёсатнинг самарадорлиги етарли даражада эмаслигига кўришимиз мумакин. Ушбу муаммоларнинг аксарият қисми макро-даражада давлат заҳираларидан ва аҳолининг ўз жамғарма маблағларидан етарли даражада самарали фойдаланилмаётганлигидан юзага келаётганлиги назарда тутилган.

Мамлакат иқтисодий ўсишга чет эл инвестицияларни жалб қилишга муҳим омили сифатида устувор аҳамият берилмоқда. Шунингдек иқтисодий ўсишга эришиш учун нафақат унинг ҳажмини ошириш, балки уларнинг йўналишини хамда тузилмасини тўғри танлаш хам муҳим аҳамиятга эга. Инвестицияларни жалб қилиш учун турлий хил ишлаб чиқариш хамда корхоналарни танлаб олиш хам мақсадга мувофиқ, шунингдек инвестицияларни тезда ўзини қоплаши ва юқори даражада иқтисодий ва технологик самара беришига эришиш зарур хамда тезда қайтарилиши ва самарадорлиги муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикасининг бозор иқтисодиёти шаклланиши хамда худудларда қулай инвестиция муҳитини яратиш, шунинг билан бир қаторда макроиқтисодий барқарорлик омилларининг кескин даражада кучайтириш зарурий аҳамиятга эга. Мамлакатнинг иқтисодий ўсишини ва қулай инвестицион муҳитини яратиш ва уларни қўллаб қувватлаш хамда жадал ривожлантиришда ҳал қилувчи вазифаларни бажарилиши лозим.

Шу муносабат билан инвестиция муҳитини яхшилаш ҳамда шу асосда ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш ва сифатини яхшилаш хисобига маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини оширишга эришиш мумкин. Шунингдек мамлакатимизнинг барча худудларига жалб қилинаётган инвесторлар фаолиятига давлатнинг фаол аралашувига яқин йиллар мобайнида макроиқтисодий сиёсатнинг таркибий қисми сифатида қараш муҳим аҳамиятга эга.

Мамлакатимизнинг иқтисодиёти бевосита инвестиция сиёсатига хам боғлиқ бўлганлиги сабабли ижтимоий-иқтисодий ривожланишида, улардан мақсадга мувофиқ самаралий фойдаланиш масалалари, худудларда мавжуд табиий-иқтисодий ва меҳнат ресурсларидан унумлий ва самарали фойдаланиш ва инвестицион муҳитини шакллантириш, алоҳида инвестиция сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни давр талаби деб хисоблаймиз.

Шунингдек, мамлакатимизнинг инновацион янгиланиш дастурини шакллантириш, инновация ва инвестициялардан самарали фойдаланган холда, янги сармоядорлар синфини шакллантириш хам муҳим аҳамиятга эга.

Сўнги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган инвестиция сиёсатидан кўзланган энг асосий мақсад хорижий инвестициялар иштирокида ташкил этилаётган корхоналарнинг маҳсулот ёки хизматларини экспортга йўналтиришдан иборат. Бунинг учун маҳаллий корхоналаримиз негизида ташкил этилаётган корхоналар фаолиятини янгича ташкил этиш, яъни акциялар улушига асосан томонларнинг қарор қабул қилишида иштирок этиш, шунингдек хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг

маҳсулот ёки хизматларини ташки бозордаги рақобатбардошлигини оширишга эришиш кабилар муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон ўзига хос инвестицион иқлим яратади олди ҳамда бунга мамлакатнинг ресурсларга бой эканлиги ва уларни қазиб чиқариш, қайта ишлаш борасида корхоналарни ташкил этиши ҳамда модернизациялаш бўйича берилаётган кенг имкониятлар хорижлик инвесторларни кириб келишига замин яратиб келмоқда. Фикримизча юқорида келтирилган тавсияларнинг амалиётга жорий этилиши миллий иқтисодиётга инвестицияларни фаол жалб қилинишига ва инвестиция муҳитининг барқарорлигини таъминлашга имкониятлар яратилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.Mirziyoyevning “Respublika iqtisodiyotiga to‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiyalarni jalb qilish mexanizmlarini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qarori Toshkent shahri, 2019 yil 29 aprel
2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Tashqi iqtisodiy faoliyatni amalga oshirishda ma’muriy tartib-taomillarni yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida” 2019-yil 23-apreldagi PQ-4297-son Qarori.
3. Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чоратадбирлари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 1 август, ПФ-5495-сон Фармони.
4. Андрианов В.Д. Россия: экономический и инвестиционный потенциал. – М.: ОАО «Издательство «Экономика», 1999. - 662с.
5. «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришининг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси». Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон фармонига илова.
6. <https://stat.uz/uz/statinfo/investitsiyalar-va-qurilish/tahlillar-invest/432-analiticheskiematerialy-uz/2030-asosiy-kapitalga-investitsiyalar>
7. https://stat.uz/uploads/docs/investitsiya-yan-dek-2017uz.pdf